

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛК СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 19 октябрь  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 214 (2776)

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов бошқарди. Мажлисда ҳудудий комиссиялар, вазирликлар, идора ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий нозорат корхоналар ишлари қўмитасининг иқтисодий нозораткор хоналарнинг кураётган зарарини йўқотиши ва уларни соғломлаштириш юзасидан 2001 йил 9 ойдаги фаолияти ақунари юзасидан ҳисоботи эшитилди.

(Давоми 2-бетда).

### Жанубий ҳудудларда

## САДОҚАТ СОҲИЛАРИ

Чегарачи аскар Аслиддин Нурматов навбатдаги кўз тонгини ўзи хизмат қилаётган кузатув постидан қарши олди. Кечаси кўзгалган ва чанг-тўзон кўтарган яхтай шамолдан қамишзорлар ёнбошлаган мисол сокин чайқалади. Амударё янада вазмин оқади. Тунги шамолдан чарқоч сезган чурчук кушлар гала-гала бўлиб учиб, ўзларига емиш кидириб бошлайди.

Теварак-атроф бўлса жим-жит. Ҳар қандагидай осоғиши. Узоқдан дарёда сузиб юрган дотор қайғи кўзга ташланади. Навбатчи — сменани алмаштиришдан машина яқинлаша бошлайди. Аслиддин бўлса яна дурбинни кўзига тутди. Нарғи соҳилини кўзатиб.

Куролдошлари бўлса Нурматовни хушхабар билан сийлашди. Онанг сени кўриш учун Термизга келибди, дейишди. Аслиддин себиниб кетди. Уйқусизлик ҳордиги вужуддан батамом кўтарилгандай бўлди.

Чегара бўлинимасида биз Аслиддиннинг онаси — Мукаррам опа билан суҳбатларига ҳалал қилмаймизда, бу ердаги аскарлар, сардорлар билан учрашмоққа, уларнинг гурунларини олмаққа шошиламиз. Улар ҳозир маънавият хонасида. «Ахборот»ни кўришгаётган эканлар.

— Газеталарда ўқиб, те-

левишордан кўриб турганимиздек, кўшни Афғонистонда ин қуриб олган террорчиларнинг попуғи пайсаиб қолди. Қўп жиҳатлардан улар ўзларининг марраларини бой бердилар, — дейди бўлининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича сардори Арслон Сайдалиев. — Бу хабарлардан лекин биз ўзимизни ташлаб қўйганимиз йўқ. Хотиржамликка берилмаймиз ҳам. Жанговар, сиёсий тайёргарлик ишлари ўз маромида давом этаётир. Террорчиларнинг кейинги қабиҳликлари бутун жаҳон халқлари қатори биз учун ҳам бир сабоқ бўлди. Яна бир бор кўзни чилчимасдан кўриқлаша керак, деган ҳикмати қайта-қайта эслатди. Шахсий таркибимиз қаршилариде ҳушёрликни, оғоҳликни юз бора, минг бора қулайтириш ҳиссиети шаклланди. Биз бурчимизни оғишмай баҳарлашга, Ватанимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлашга тайёриқ. Халқимизга, Президентимизга, содиқимиз, Дунёда абдий ҳаракат деб аталадиган, минг сарфланса ҳам ҳеч тўғри қолмайди бунга битта ягона куч бор. Бу — садоқатдир. Мухаббатдир.

— Қўпдан кўн қочиб қутилмас, — дейдилар, — деб суҳбатга қўшилиди Жомарт Париев. — Ёвуликка қарши кучлар бирлашиб, ҳамкорлашиб бир ҳаракат қилиши билан террорчиларнинг думи қисилиб қолганини кўриб туришимиз-ку. Биз яхшиликка, дўстликка кучок очамиз. Эзуликка бағримизни фидо қиламиз. Ёвуликка бўлса забардаст мушт бўлиб зарба берамиз.

Бўлинида кундалик юмушлар ўз маромида давом этади. Нурматовлар ва Париевлар ҳар бир қаричи ўзларига таниш, чегараларни қўриқлайдилар. Эдуард Ртвеладзе бошлиқ қадимшунослар Амударё соҳилларидаги Фаёзтепа, Қоратөпа ёдгорликлари қаьридан кўнча тарихимизнинг муборақ саҳифаларини қаиф қиладилар. Термиз туманининг шундоқ чегарага туташ майдонларида пахта етиштирган фермер Шоназар Солиев ўзининг меҳнат ютуқларини нишонлаб қўй сўяди. Таъмирчи меймор Эркин Қораев Султон Саодат мажмуининг бош пештоқига Термиз Сайиллари сулоласини битиб тугатади.

Оқсоқоллар бўлса шунинч, бахтли турмушимизни Парвардигор ҳамиша ёвуз кўзлардан асрасин, деб юзларига оқ фотиҳа тортадилар.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

Эл деса...

## ТАВҚИ ЛАЪНАТ

### Тўйдаги гурун, ёхуд юртнинг ўз эгаси бор

Янги тонг отди. Наҳор ошига келиб-кетувчиларнинг охири кўринмайди. Икки соатдан ошиди-ки, тўй хизматчилари тик оёқда. Остона ҳатлаган гурус-гурус одамлар шу фойзга тонг оғушида тўй дастурхонига ўтириб, яхши ният билан қўларини дуога очадилар.

— Омин, тўй кутлуг бўлсин!

Мехмонлар туришга чоғланишдан экан, яна тўй кайвонисидан дастурхонга дуо қилишнинг сўрайдилар. Кайвони дуога қўл очади. Унга аҳли жамоат қўшилиди.

— Омин, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Шу тўй боланинг ҳам умри узун бўлсин.

Тўйхонанинг бир чеккасидаги узун супада гурун

авжида. Бу ерда маҳалланинг оғур-эйтиборли одамлари ўтиришмоқда. Ора-сирасузоқдан келган бообрў мехмонлар, кекса отахонлар ана шу супада чоғланмоқда.

Ҳозиргина келиб ўтирган 5-6 чоғли одамлар олдида ош тортигич, тўрда ўтирган Жўра бобо узилиб қолган галини давом эттирди.

— Йўқ, Бердйоб, домумло бўлсангиз ҳам мен сизнинг бу галингизга сира қўшилмайман. Шу сиз эшитган ТВ-шестингизни ҳам, Москванни ҳам, Ибисую Бибишарингизниям эшитаман, эшитаялманман. Уларнинг гапи ғирт бўтхондан бошқа нарса эмас. — Жўра бобонинг бу ўктам овози ҳозиргина давргага келиб қўшилган мехмонларни ҳам сергаклантирди. Ҳамма бирданга пойгада ўтирган биланонлик қиламан деб «оғзидан чопилган» Бердйобга қаради. Одамларнинг нигоҳидан кўзини олиб

қочиб, яна нимадир демокчи бўлиб гапирмоққа чоғланган Бердйобни Жўра бобо оғиз очига қўймади.

— Сиз домумло, аввал менга айтинг, 5 октябрь кунини Юртбошимиз берган Баёнотини ўқидингизми? Агар ўқиганингизда бу гапларни гапириб ўтирмадингизми? Гапирганингизни тунов кўни Маннонжоннинг ўғли сийдини кўрдим. Шукур Суоннинг кўз ойнагини оқептириб, Баёнотни бошдан оёқ ўқиб чиқдим. Этим жиғирлаб кетди. Ҳақ гаплар айтилган. Билсангиз юрт отаси бу миш-мишлар хуружини сезиб, аллақачон сизу бизни оғоҳланган. Уйлаб кўринг, домумло! Ким ҳам оғзидеги ошини олдириши келади. Ҳозирги вазиятда тўғри баҳо берамай, сувни лоқалантириб-танлар биланонлик оғзидеги ошини олдиришганлар. Бундан ўн йил

(Давоми 2-бетда).



## «Корбонам»нинг истиқболи баланд

Наманганда қўшма корхоналар сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Қоғоз саноатини ривожлантиришда муҳим хомашё ҳисобланган целлюлоза ишлаб чиқаришга иختисослашган «Корбонам» — Франция қўшма корхонасига тамал тоши қўйилди. Эътиборли томони шундаки, ушбу корхона қурилишида «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бош пудратчилик қилмоқда. Уларнинг мақ-

сади корхонани тез ва соз бунёд этиш. Корхона ишга тушган эса, 160 нафар ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланадилар. Аини пайтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари авжида.

СУРАТЛАРДА: «Корбонам» корхонаси қурилишида монтажчи Х. Аҳмедовнинг хизматлари беқийс; корхонанинг умумий қурилиши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Олий Мажлисида

## Қўмита ўз қарорининг ижросини муҳокама қилди

Биз ушбу кичик мақоламизга бежиз бундай сарлавҳа қўймадик. Чунки сир эмас, Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари бирор қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганган экан, албатта, унинг самарасини оширишга хизмат қиладиган қарор шаклидаги турли тавсия ва тақлифларни ҳам беради. Лекин ана шу қарорларнинг ҳаммаси ҳам жойларда тўлиқ ижро этилади, деб бўлмайди. Ана шундай нарқанга назар билан қараганда Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Қўмита раиси М. Умаралиев олиб борган мазкур йиғилишида «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда қўмитанинг 2000 йил 30 октябрда қабул қилган қарорининг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Масалани бундан қарий бир йил олдин бўлиб ўтган қўмита йиғилиши қарориде нима дейилган эди-ю, ҳозир қандай натижага эришилди, деган нарқанга назар билан

юритиш тартиби ишлаб чиқилмаган. Тадбиркорликни ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг ҳужуқий асослари борлигига қарамай палата бундан самарали фойдаланмапти.

Палаталар ҳузурида тузилган ҳўжалик хисобидеги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ахборот-маслаҳат марказларининг аксарияти техника зарур ташкилий асбоб-ускуналари, шунингдек, ҳуқуқ, менежмент ва маркетинг соҳаларида тадбиркорларга сифатли хизматлар кўрсатишга қодир бўлган малакали мутахассислар етишмапти.

Палаталар ахборот-маслаҳат марказларининг, айниқса, кадрлар билан таъминланиши (33,7 фоиз), шунингдек компьютер (35,2 фоиз), хоналар (40,9 фоиз), телефон (47,8 фоиз) ва модем алоқаси (37,6 фоиз) билан таъминланиши ёмон аҳволда.

Вилоят, шаҳар ва туман палаталари раислари, мутахассис-ҳодимларнинг кўнимсизлиги мавжуд бўлиб, кейинги уч йил мобайнида 12 та вилоят палатаси раислари 19 мартабга, туман ва шаҳар палаталари раислари 209 мартабга ўзгарган. Бундай ҳолат, айниқса, Навоий, Сурхондарё

### Ташкентда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда 2001 йилнинг 9 ойида вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ақунари ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида, кузги-қишки мавсумда иқтисодиёт тармоқларининг узлуksиз ишлашини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалик ишларининг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишнинг айлвот ҳоқими У. Мирзақулов бошқарди.

### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Матрузачи ва сўзга чиққанлар ҳисобат дарида вилоятда макроиктисодий барқарорликка эришилгани, халқ ҳўжалигининг кўнча тармоқларида ижобий ўзгаришлар кузатилаганини қайд этишди. Ташқи савдо айланмаси ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Зарур кўриб ишлаётган корхоналар сони қисқарди, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараенлари тезлашди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш эъзига уларнинг алаи ички маҳсулот ҳақидеги улуғи ортди.

Агросаноат мажмуида амалга оширилган ислохотлар ҳам кўзланган самарани бера бошлайди. Жорий йилда вилоятда 439 минг тоннадан ортқ галла етиштиришга муваффақ бўлинди. Давлат омондорлига 293 минг тонна сифатли лон топшириб, бу борадаги шартнома режаси ортига билан адо этилди. Ҳосилдорлик сулли майдонларда тектар бошига ўтган йилданган 7 центнерга кўпайиб, ўртача 39 центнерни ташкил қилди. Пахта тайёрлаш йиллик шартнома режаси ҳам ортига билан адо этилди. Ҳосилининг 80 фоизини юқори навларга сотиш эъзига биргина ана шу соҳанинг ўзидан 24 миллиард сўм даромад олиш кўтилмоқда.

Йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда талай камчиликларга ҳам йўл қўйилганини қайд этилди. Хусусан, энг зарур маҳсулот етказиб берадиган 58 та корхонанинг 42 тасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайтириб юборилган. Шартнома мажбуриятларида амал қилмаслик наъжасида омондорларга 15 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот харидорини кўтиб ётди. Вилоят иқтисодиетида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча корхоналар тўла куч билан ишламапти. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ўрта маънавиятлик ҳоллари мавжуд.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқларини қишки мавсумга тайёрлаш борасида белгиланган тадбирларни сўзсиз баҳарини, мавжуд бўқозлар, иситиш тармоқлари, уй-йўл фонд, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида таъмирлаш ишларини 1 ноябрга қадар тугаллаш зарурини қайд этилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаев сўзга чиқди.

Н. ДУШАЕВ,  
ЎзА муҳбири.

### Ўтқир тиг остида

## АРПА ЭКИБ, БУҒДОЙ КУТМА

ёки Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида бюджет маблағларининг «ҳотамтойлик» билан сарфланиши ҳақида

Давлат томонидан республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганини бежиз эмас. Чунки аграр тармоқнинг корхоналари халқимиз дастурхонини асосий тўлдирувчилари бўлиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари мамлакатга валюта тушулушлигининг 40 фоиздан ортигини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. Шу боис республикада мустақилликнинг биринчи кунидангина қишлоқ ҳўжалигига, унинг ривожланишига жиғдий эътибор қаратилиб, бу борада анча ижобий натижаларга эришилди.

2001 йилнинг сентябрь ойида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида қарашли 379 бюджет ташкилотидан 130 тасида тафтиш ва текширишлар ўтказилган бўлиб, 89 бюджет ташкилотиде 68,4 фоизда молиявий интизомнинг бузилганлиги ва бюджет маблағларини ўзлаштириш ҳолатида йўл қўйилганлиги аниқлан-

ди. Оқибатда давлат бюджетига 86,7 миллион сўмлик зарар етказилган, шу жумладан, камомид ва ўғирликлар 4,7 миллион сўмга етган.

Тафтиш натижаларининг кўрсаткичи, бугунги кунда амалга оширилган сий-ҳаракатларга қарамастан, қўллаб-қувватлашнинг аграр тармоғида

(Давоми 2-бетда).

### АКСИЛТЕРРОР: ЭНГ СЎНГИ ДАРАКЛАР

● Бугун АКШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучларининг Афғонистондаги террор ўчоқларига қарши олиб бораётган амалиётлариға ўн икки кун бўлди. Ҳозирда талибларнинг ҳаво мудофаси тизими бутулай ишдан чиққанини сабабли кечроқ кунда ўтказилмоқда. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган чоршанба оқсоми ва кеча кун ўрғунда олиб боришган амалиётларда талибларнинг Қобул, Қандоҳар ва Жалолобод шаҳарларидаги ҳарбий истеҳкомлари нишонга олинган.

● АКШ Давлат котиби Колин Пауэлла Деҳлида ўтказилган матбуот анжуманида «Америка ўндаги барча террор ўчоқларига қарши курашда», деярлик тўққиздан, Жасон матбуотида айтилишича, АКШ Давлат котибининг Покистон ва Ҳиндистон сафарлари давомида Афғонистоннинг бундан кейинги тақдирини, янги тузилажак ҳукумат масалаларини кенг муҳокама қилинган. Оқ уй раҳбариси эса кеча Хитойнинг Шанхай шаҳрига етиб келди.

● Шу кунларда АКШнинг қўлиб муассасаларига почта орқали ичига оқ кукун солинган зарф қозғалар йўланмоқда, деб хабар беради

қарши кураш ҳалқаро коалицияга қўшилганини маълум қилди. Бош вазирнинг таъкидлашича, яқин кунларда 1550 нафар австралиялик ҳарбий, тўртта кирувчи ва яқинда транспорт самолёти ҳоқда учта ҳарбий кама терроризмга қарши курашда иштирок этади.

● «Газета.ру» агентлиги. Оқ кукун солинган зарф қозғалар мамлакат сенат аъзолари ва Нью-Йорк губернаторигача бориб етган. Кеча эса бундай ҳол АКШнинг Япониядаги консулхонасида ҳам рўй берди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, аини ҳолат мамлакат конгресси ўз фаолиятида қисқа муддатли танлоғу эълон қилишига сабаб бўлган. Ҳозирда Оқ уй мулозимлари айна воқеаларда ҳалқаро террорчиларнинг қўли бор, деган қарғий сўзга турнишди. АКШ президенти Ж. Буш эса биологик таъриррога қарши курашни узун мамлакат сенатидан 1,5 миллиард доллар ажратилиши сўради.

● Яқин кунларда Германия ҳам терроризмга қарши кураш ҳалқаро коалицияга қўшилди, деб хабар беради «Рейтер» ахборот агентлиги. Бу ҳақда кўни кеча ГФРнинг қўқори мартабали намондаси Г. Шрёдер маълум қилган. Маълум бўлишича, ҳозирда Германия ҳарбий тезинка-

лари мазкур амалиётларга таъйинланмоқда.

● «Франс-Пресс» агентлигининг хабар беришича, «Қора сешанба» фожеаларидан сўнг Пентагон мулозимлари 30 минг нафарга яқин америка қўнғилларини мамлакат қўрқоқли кўчларига сағна ёллаган.

● АКШдаги хайрия ташкилотлари 11 сентябрдаги терактларда қурбон бўлган оиналарга ердан бериш мақсидида 1 миллиард доллардан ошмиқ маблағ тўлашди. Шунинг 452 миллион долларини Кэтилин Коч таъкилотини йиғди. Энг қизғин «Интернет» орқали 52 миллион доллар тўлашганини бўлди. Хабарларга қараганда, АКШ собик президенти Билл Клинтон ва катта сибистодан Боб Доул бошчилигидаги Families for Freedom Scholarship хайрия ташкилотиде аини мақсад бўлида 100 миллион долларлик улуғ қўшишмоқчи.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

2
ХУКУМАТ
КОМИССИЯСИ
МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъқдирландики, 2001 йил бошидан буён жами 235 та корхона тўловга лаёқатсиз ҳолатга тушиб қолган. Қўрилган чоралар, биринчи навбатда, ички имкониятлардан фойдаланиш, молиявий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида 2001 йил 1 октябрь ҳолатига қўра 165 та корхона муддатли ўтказиб юборилган қарздорликни бартараф этди ва тўловга лаёқатлиликни тиклади. Шунингдек, бу даврда зарар кўриб ишлаётган 305 та корхонадан 215 таси бундай ҳолатдан қутилди.

Хўжалик сўдлари томонидан 960 та корхона банкрот деб эълон қилинди, улардан 611 та корхона тугатилди ва давлат рўйхатидан чиқарилди.
Хўжалик ва хизмат вазирасини суниетсизм қилгани боис 27 нафар шахсга нисбатан корхонани банкротликка олиб келгани учун жиноий иш қўзғаш тўғрисида қарор қабул қилинди, турли даражадаги 61 нафар раҳбар жарами солиш билан маъмурий жавобгарликка тортилди, 4 нафар шахсга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Мажлисида Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларининг иқтисодий ноқор корхоналарининг зарар кўриб ишлашига чек қўйиш ва уларни молиявий соғломлаштириш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Таъқдирландики, 2001 йилнинг 9 ойи давомида Тошкент шаҳрида санацияга тушган ва ташқи бошқарув тайинланган 3 та корхона бу даврда салбий натижаларга эришди, 44 та банкрот корхонани тугатиш бўйича муддатли кечиктирилди, 2000 йилда банкрот деб эълон қилинган 10 та корхонани тугатиш жараёни ҳозиргача якунига етказилмаган. Самарқанд вилоятида зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг қўлайлиги йўл қўйилди, улардан даврда ҳукумат комиссиясига иқтисодий ноқор корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича бирорта тақлиф қилинмади. Наманган вилоятида ҳам зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камайяпти.

Хўжалик комиссияси Наманган, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларининг иқтисодий ноқор корхоналарининг зарар кўриб ишлашига чек қўйиш ва уларни молиявий соғломлаштириш бўйича ишчи қонирасиз деб тоғди. Комиссия корхоналар молиявий ҳолатини ўрганиш ва банкротликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда молиявий ва иқтисодий идоралар билан биргаликда ишчи ва мувофиқ иш юритиш тизими йўлга қўйилмаганини кўрсатиб ўтди. Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишда асосий бўлин бўлган жойлардаги корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича туман ва шаҳар комиссиялари билан ишлашнинг суи таъқдир этилганлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Хўжалик комиссияси мажлисида "Ўзкимёсанот" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Аммофос" ишлаб чиқариш биришласи, "Электрикёсанот" ишлаб чиқариш биришласи, Фарғона фуран бирикмалар корхонаси, Фарғона қимёвий тола заводи ва Қўқон суперфосфат заводи каби йирик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари кўриб чиқилди. Бу текшириш иқтисодий, молиявий идоралар ва тижорат банклари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган.

Шу нарса қайд этилдики, 2001 йилда "Электрикёсанот", "Аммофос" ишлаб чиқариш биришласида, Қўқон суперфосфат заводида таъмирлаш-тиклаш ишлари ўтказилгани йил охиригача уларнинг қувватини ошириш ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариши 90 минг тоннага, азотли ўғитларни эса 119 минг тоннага қўлайтириш имконини берди.

Қимё соҳаси корхоналарида 2002-2004 йилларга режалаштирилган аммиак ишлаб чиқариши модернизация қилиш ва таъмирлаш аммиак селитраси ишлаб чиқариши 155,7 минг тоннага, карбамид ишлаб чиқариши 100 минг тоннага ошириш имкониятини яратди.
Корхоналар раҳбарларига иқтисодий соҳа объектларини маҳаллий ҳокимият идоралари балансига ўтказиш ишлари жадаллаштириш ва уларни аввал қабул қилинган ҳукумат қарорларига мувофиқ амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Олмалик шаҳарлари ҳамда Самарқанд шаҳри ҳокимларининг бу борадаги ишлари етарли амалиётга кўрсатиб ўтилди.

Корхоналар молиявий соғломлаштириш давом эттириш ва айлана маблағларнинг бошқа мақсадларга жалб этилишига йўл қўймаслик мақсадида бюджетга тўловлар юзасидан қарздорликни асосий кенчириш тўғрисидаги умумий сабабларга қўра асосий фондлар ва ўратилмаган ускуналарни консервация қилиш ҳақида тақлифлар киришти тавсия этилди. Шунингдек, омондорларда тўпланиб қолган тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича тезкор чоралар кўриш топширилди.

Хўжалик комиссияси "Ўзкимёсанот" давлат акциядорлик компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқ хўжалиги учун аҳамиятини инобатга олиб ҳамда оқорида айтиб ўтилган корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида уларнинг молиявий аҳолини барқарорлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Ўзкимёсанот" давлат акциядорлик компаниясининг раиси У.Хасановнинг қўрилган чора-тадбирлар жорий йил охиригача молиявий аҳолини барқарорлаштириш ва тармоқ корхоналарининг зарар кўрмай ишлашига эришиш имконини бериши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Тармоқ раҳбариятига йирик корхоналарни бошқариш тўғрисидаги тақомиллаштириш бўйича чоралар кўриш топширилди, тармоқ корхоналари раҳбарларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарларни аттестациядан ўтказиш тавсия этилди.

Шунингдек, мажлисда 3 та корхонага нисбатан банкротлик жараёнини бошлаш ва ташқи бошқарувни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Муносабат

(Давоми. Боши 1-бетда).

олдин сиз ҳали ёш эдингиз. Бу террорчи деган гаандалар бир буй кўрсатишга чоғланган эди. Бўка, Паркент, Фарғона воқеаларини бир эсланг. Ундаку биз эндигина мустақил йўлида атак-чек қилаётган давлат эдик. Домулло эсдан чиқарманг, бугунги Ўзбекистон билан бундан ўн йил олдинги Ўзбекистоннинг осмон билан ерча фарқи бор. Гуруллаб ривожланаётган саноятимиз бус-бутун ўзимизники бўлиб қолган ер-остини усти бойликларимизни, замонавий талабларга жавоб берадиган қудратли армиямизни айтмайин, фақат бир далилни келтирай. Бугун бизнинг бутун жаҳон тан олган, дунёга ўз сўзини айта олган ва ўткази олган Ўртбошимиз бор! Сизга маслаҳат қиламанг, бугунги ўзбекистоннинг қулғоним бор деб, ҳар жойдан эшитган олди-қонди гапларни айтишдан аввал Ўртбошимизнинг ҳақ гапларини кўнгилгиз чигиринидан бир ўтказиб олилинг.

Хозирги дунё манзараси Ўртбошимиз Ислам Каримовнинг жаҳон сиёсатидаги фикрлари минг бора ҳақ эканлигини яна бир қарра исботлади. Мустақил бир халқнинг Президенти сифатида Ислам Каримов бундан бир неча йиллар муқаддам дунёнинг нуфузли минбарларидан туриб жаҳон жамоатчилигини терроризм билан биргаликда туриб курашга чақирган эди. Бу огоҳноманинг қадрига тараққийпарвар дунё давлатлари ўз вақтида тушуниб етмаганидек, бугун муҳиди бу бало бошимиз узра ўзининг совуқ қўлакчасини ташлаган қулларда — биз матбуот ходимлари ҳам бор ҳақиқатини ўз вақтида англамадик чоғи. Матбуотимиз фидоийларидан бири яқинда ўзаро суҳбатда шундай деб қолди:

— Ростини айтганда, Президентимиз биз, матбуотчиларни тўғри танқид қилди. Биз бугун курак аравани олиб қочаётган «хамдўст-хамкасблар»

миш»га муносиб жавоб беришга қиналаётимиз. Касбим тақозоси билан вилотиимизнинг кўп жойларида бўлаётган. Халқимиз яқил ва ўз Ўртбошимизга ишонди. Лекин курак бўхтондан иборат турфа матбуот хабарларини ҳам улар эшитаяпти. Бу эса таяини йўқ миш-мишларнинг тўғри-қўйлишига сабаб бўлмоқда.

Ўзи ёмоннинг жазосини беради, қолаверса, биз кучимизга ишонамиз. Ўзига ишонган элни эса енгиб бўлмади.

Шундан билингни, халқимиз ҳеч бир миш-мишга ишонгани, саросимага тушгани йўқ. Хамкасбимнинг ҳам улари эшитаяпти. Бу эса таяини йўқ миш-мишларнинг тўғри-қўйлишига сабаб бўлмоқда.

Огоҳлик давр талаби, лекин биз ҳамиша ҳам мана шу долзарб даврга тўла амал қилишни қундалик ҳаётимизга мезмон қилиб олаётганимиз йўқ. Ўртбошимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатиди мана бу сўзларини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: «Хўшёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир қўнлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки қундалик иш, қундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».

ЎВУЗЛИКНИНГ ОХИРИ ЗАВОЛ

Тушга яқин тўй охиради. Энди келиб кетувчилар ҳам сийрак тортиди. Лекин узун суҳбатда гуруннг ҳамон авжида. Бердибой усал бўлди. Негадир гуруннга ҳам аралашмай қўйди. Унинг намиканини билиб Жаҳулло бобо гап бошлади: — Энди Бердибой,

ҳамма эшитганингизни ҳақ деб гапириб ётманг. Элда Хизир бор, деган гап ҳеч ҳаёлингиздан чиқмасин. Оқ билан қоранинг фарқини кенасиям ажрата оладиганлар элнинг ичида кўп. Жўра бобо тўғри гапларни айтиди. Халқимиз давлат бўлиб эндигина дунёга буй бўйлаётганда миш-мишга зўр берган ўзбек — ўзбек эмас.

—Замбуру суви ичим Жаҳулло бобо, бўлди энди гапирмайман бундай миш-мишларни. Қаердан билай танадашномларга қолишимни, — деди ҳўжолатомуз бўлиб Бердибой. Шу пайт тўй қайвониси тўрда ўтирган Жўра бобого мурожаат қилди.

— Қани Жўра бобо, бир дастурхонга дуо қилинг. Жўра бобо дуога қўл очди.

— Илоҳи омин. Ўртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, элимиз файзу барокати, одамларимиз инсоф дённатли, Ўзбекистонимизни кўз қорачиқдек асраётган аскар йигитларимиз ва Ўртбошимиз сог-омон бўлсин! Мана шу тўй бола ҳам юртпарвар бўлиб воёга етсин. Тинч ҳаётимизни қўролмаган ёвуз кимсаларнинг умрига завол берсин, илоҳи омин!

Ўзбек ҳеч қачон, ҳеч қимни дуога қўшиб қармаган. Зотан, бугун инсониятнинг манфур душмани бўлган ёвуз кимсаларнинг умрига завол берсин, илоҳи омин!

— Энди Бердибой, Санобар БОЙМУРОДОВА, журналист.

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг навбатдаги мажлиси республикани иқтисодий ривожлантиришнинг 9 ойлик якунларига бағишланди.

Мавжуд қийинчиликларга қарамастан иқтисодий ислохотларни зўқурлаштириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Учунчи чорак якунларига қўра, бюджетнинг даромад қисми 102,8 фоизга баҳарилди, 47 ўринга 62 корхона хусусийлаштирилди, 1208 та кичик ҳамда ўрта бизнес субъекти ташкил этилди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди, қишлоқ жойларда 7 та шифокорлик масканлари фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистонда ялпи ички маҳсулот 14 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулоти 7,2 фоизга камайиб кетди. Ҳўжатдан ўтказилган 26 та қўшма корхонанинг 10 таси фаолият кўрсатмаяпти. Қолган 16 та қўшма корхонадан дерили барчаси ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаромайпти. Хориқ сармояларидан фойдаланиш самарадорлиги сўзсиз кетмоқда.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси А. Тожиев бошқарган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Макросиёсий ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев, Қорақалпоғистон Жўқори Кенгаши Раиси Т. Камолов сўзга чиқдилар.

Жиззах вилояти фаолларининг йилгилишида «2001 йилнинг 9 ойида вилоятнинг иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларининг боришини баҳолаш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Илгилишни вилоят ҳокими У. Яманқўлов бошқарди. Ташкилланган, ўтган даврда асосий эътибор Ўртбошимиз Ислам Каримовнинг қатор маърузаларида қўрсатилган ҳамиятнинг тараққийнинг гарови бўлган ҳиммат ва ўрта бизнесни қўқалтириш республика Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантиришга доир қарорларни баҳариш масалаларига қаратилди.

Вилоят фаоллари, шунингдек, қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳамда 2002 йил ҳосили учун кузги-қишги тадбирларни сифатли ўтказиш ҳақидаги масалаларни ҳам муҳокама этишиб, тегишли қарор қабул қилишди.

Янгибой КЎҚОРОВ, Бахриддин САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбирлари.

ТАВҚИ ДАЪНАТ

Хозирги дунё манзараси Ўртбошимиз Ислам Каримовнинг жаҳон сиёсатидаги фикрлари минг бора ҳақ эканлигини яна бир қарра исботлади. Мустақил бир халқнинг Президенти сифатида Ислам Каримов бундан бир неча йиллар муқаддам дунёнинг нуфузли минбарларидан туриб жаҳон жамоатчилигини терроризм билан биргаликда туриб курашга чақирган эди. Бу огоҳноманинг қадрига тараққийпарвар дунё давлатлари ўз вақтида тушуниб етмаганидек, бугун муҳиди бу бало бошимиз узра ўзининг совуқ қўлакчасини ташлаган қулларда — биз матбуот ходимлари ҳам бор ҳақиқатини ўз вақтида англамадик чоғи. Матбуотимиз фидоийларидан бири яқинда ўзаро суҳбатда шундай деб қолди:

БУГУННИНГ ТАШВИШЛАРИГА ЧУЛҒАНГАН ШАҲАР

Кенг ва равоқ кўчаларда қўшдай ўчаётган автомобильларнинг виз-виз овозидан шаҳар уйғонди. Одамлар қундалик ташвишларини бошладилар. Лекин уларни биришатириб турган ягона бир мақсад ҳам борки, бундан қўз юмиб бўлмайди. У эртан-

Қуни кеча ишга тушган «Мингбулок» агросаноат касб-хўнар коллежи биноси Улугнор тумани марказига алоҳида кўрқ бағишланди. 750 ўринли бу коллежини Андижон сув хўжалиги трести қурувчилари бунёд этдилар. Жаҳон андозалари талабларига мос бинода талабаларнинг ўқиб-ўрганишлари учун барча қўлайликлар мавжуд. Бу ерда агросаноат мажмуи учун етти йўналиш бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.



СУРАТЛАРДА: коллеж биносининг умумий кўриниши; қимё фани ўқитувчиси Исомиддин Худойқўлов (чапдан учинчи) талабаларга дарс ўтмоқда.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Солиқ тизимиди

мотномда келтирилган далиллар ўз исботини тоғди. Учар ҳамқишлоқлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 августдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика дорихона муассасаларида доридармонлар ва тиббий бўйумлар сотиш қондаларини» қўпол равишда қўзиб, Андижон туманидаги Завроқ қишлоғи марказида жойлашган дорихона орқали сифат назоратидан ўтмаган дори-дармонларни ишчи-халқ аҳолига сотиш билан шугулланаётган пайтларда қўлга тушдилар. Дорихонадан 109 хилдаги қиммати 137,3 минг сўмлик дори-дармонлар ва 4850 сўм савдо пули далоли ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат бўйича Одилобқ Олимов ва Муаззамхон Қомиллоева нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Умуман, Андижон вилоятида келинган 2 ой давомида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида андижон ҳукукубузарлик ҳолатлари бўйича 18 та жиноий иш қўзғатилди ва Давлат бюджетига етказилган 53,6 миллион сўм зарарини ундириш чоралари қўрилмапти.

Жосур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати бош мутахассиси.

АРПА ЭКИБ, БУҒДОЙ КУТМА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонунбузилдишлар, давлат маблағларининг талон-тарож қилиниши билан ҳеч қачон муроса қилиб бўлмайди, аммо шундай бўлса-да, бундай аҳолини яна қўллаб-қўллашларда ҳам қўзғатишнинг мумкин. Хўсуван, Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида «Водий» аудиторлик фирмасининг консалтинг хизматлари учун ноқонун равишда бюджет маблағлари ҳисобидан 882,0 минг сўм тўланган. Аслида тузилган шартномага қўра, ушбу хизматлар тўлови бошқарманиннг ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши керак эди.

Бухоро вилояти «Аму-Бухоро» машина қаналидан фойдаланиш вилотлараро бошқармаси раҳбариятининг 2001 йил 19 июндаги буйруғига асосан эса, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро қуни муносабати билан бошқарманиннг 195 ҳодимига 2250 сўмдан, жами 438,7 минг сўм моддий ёрдам пули эзилган. Аммо бошқарманиннг бош ҳисобчиси С.Самиева «Йўқолган молнинг эгаси ваали» деган мақолага риоя қилиб, кассир меҳнат ташти-лида бўлганлигидан фойдаланган ҳолатда, касса ҳисоботи ва тарқатиш қўйдномасида қўрсатилган ҳар бир сон олинга бир рақамини қўшиб ёзишдан уқлмаган. Натижада ҳисоботда ҳар бир ҳолимга 12250 сўмдан, жами 2,4 миллион сўм моддий ёрдам пули тарқатилди, деб қўрсатилган. Бундай нафранг билан С.Самиева ўз қўнатиғига 2,0 миллион сўмга яқин бюджет маблағларини ўзлаштириб, хотиржам юрмат, деган бўлса керак, лекин чўчурларни ҳам санабди, бу қилиниши ошқора бўлди.

Қолаверса, бошқарманиннг раҳбарияти томонидан 2000 йилнинг харжлатилар сметасининг «Асосий капитал активларини сотиб олиш» учун 967,0 минг сўм ажратилиши қўзда тутилганига қарамастан, авто-транспорт воситаларини харид қилишга бюджет маблағларидан 6,5 миллион сўм сарфлаган. Шундан 4,0 миллион сўми «ГАЗ-3110» русумли автотомашинани, 2,5 миллион сўми эса «КАВЗ-3976» русумли микроавтобусини сотиб олишга ишлатилган.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятининг Гузалкент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида молия

бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари С.Парчаев, тақдир дарида ишлаб келган шу бўлим бошлиғининг ўринбосари О.Ҳаққўлов, кассир Ш.Қўдратовлар тўлов ҳўжатларини қалбақлаштириш ҳамда иш ҳақи қайномалярида ошириб ёзиш йўли билан 1,9 миллион сўмни ўзлаштириб юборганлар.

Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ҳам ўз хўзур-хўловатини ўйлайдиган айрим раҳбарлар борлиги аён бўлди. Улар, қарангки, ҳеч тап тортмасдан, бюджет маблағлари ҳисобидан 11,0 миллион сўмга автогазспорт воситаларини, жумладан, 1 та «УАЗ-31514» русумли, 2 та «Тик» русумли автотомашиналарни ҳамда 2 та «DAEWOO» рангли телевизорларни харид қилишган.

Молиявий интизомнинг бузилиши сабаблари ўрганиб чиқилганда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «саҳийлиги» билан, айрим қўн ташкилотлар ҳисобидан маблағнинг баравар, яъни метёрига қўра молиялаштирилмаслик оқибатида бу қонунбузилдишларга «пойдевор» асб берилганлиги маълум бўлди. Мисолларга мурожаат этайлик.

Хоразм вилояти сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси айби билан электр тармоқлари ва насос станцияларини бошқармасида 2000 йил харажатлари сметасига қўра, айрим моддалар бўйича харажатлар лимити 40,0 миллион сўмга ошиб кетганига қўрамай, бошқарма раҳбарияти қўйматти 6,2 миллион сўмлик бўлган «Нексен» автотомашинани бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олган.

«Аму-Бухоро» машина қаналидан фойдаланиш вилотлараро бошқармасида ҳам 2000 йил харажатлари сметасига қўра, «Бошқа харажатлар» моддаси бўйича лимитдан 53,8 миллион сўмдан ортиқ маблағ молиялаштирилгани аниқланди.

Навоий ҳамда Жиззах вилотларида эса қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан тенг равишда 4,5 миллион сўм ва 1,5 миллион сўм ортиқча маблағ ажратилиб, ноқонуний харажатларни содир қилишга асос яратиб берилганга нима дейсиз?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Қингр ишнинг қийини» қўрқ йилдан кейин ҳам чиқди» деганларидек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унга қарашли ташкилотларда ҳақсий маблағ билан давлат маблағларининг фарқини билмайдиган мутасадди шахслар ҳимматдан келтирилган 7,0 миллион сўм зарар ундирилди, давлат кассасига қайтарилди. Виджонини сотиб, ўрилик, қамомат ва ўзлаштиришга йўл қўйган 9 нафар жавобгар шахсга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш учун тақтиш хўжатларни ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари юборилди. 60 нафар жавобгар шахсга нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги Кодексининг 175-2 («Бюджет илтизом бузилиши») моддасига қўра, маъмурий жамо қўлла-нилиб, уларга 945 сўм жарима солиниши ва бюджет ҳисоботи ундирилиши олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидидаги корхоналарда молиявий интизомнинг бузилиши сабабларини, келинг, яна бир қарра зўқурқор тақдир қилиб кўрайлик. Бизнингча, қўпгина корхоналар раҳбарлари давлатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича олиб бораётган сиёсатини тўғри тушуниб олмаганлар. Шунинг учун улар ўз манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйганлар. Демак, бундай раҳбарлардан ҳеч иккиданмай воз кечини керак. Текширувларнинг мақсади эса нопок мутасадди раҳбар ва ҳолимларни аниқлаб, уларнинг қўдминини фойш этишидир. Токи, келажакда бу соҳада давлат сиёсатини орғили олданиш касб эгалари ишласин, улар тармоқнинг ривожини давлат талаби даражасида таъминлай олинлар.

Шунинг учун юқоридида қайд этилган мисоллардан маъқур ишга бевосита мутасадди раҳбарлар тегишли хўласа чиқаришлари, ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, зарур чора-тадбирларни қўришлари даркор, деб ҳисоблаймиз. Шундангина қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси тобора ривожланиб, иқтисодиётимизнинг самарали тараққийи, тамамулатимизнинг жаҳон ҳаммаклатимиз билан ҳам мустаҳкамкор ўрин олишига кенг имкониятлар яратилди. Бунга ишончимиз қомилдир.

Молия вазирлигининг Матбуот хизмати.

МЎМАЙ ПУЛ ИЛИНЖИ

Андижон вилояти Олтинқўл туман Давлат солиқ инспекциясига қўнғирқор қилган киши ўзининг қимлигини айтмаган бўлсада, лекин уйда мўйғуз ўрнатиб яширишга пахта ёғи ишлаб чиқаришга Хасанбой Йўлдошевнинг маълумоти аниқ кўрсатди. Шу маълумот асосида туман давлат солиқ инспекцияси ва прокуратура хўзуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Олтинқўл туман бўлими ходимларидан тезкор гуруҳ аъзолари дарҳол йўлга тушдилар.

Хасанбой тумандаги «Маслаҳатчи» қишлоғида истикомат қилар экан. Еш бола эмас, қирқ ёшдан ошган, эс-ҳушини таниган, беш боланинг отаси. Уй шароитида пахта ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш билан илгари ҳам бир бор шугулланиб, солиқчиларнинг даққисини эшитган эди. Ораддан маълум муддат ўтиб яна қилган кирибди. Бу гал у 4100 қилграмм қийини мўйғуз ёғига гамлаб қўйган экан. Бунда давлат нарҳида пулга чаксангиз 870 минг сўмдан кам бўлмайди. Янги ҳосил қийиндан қимёвий моддаларнинг ҳиди шундайгина келиб

турарди. Агар солиқчилар хўшёрлик кўрсатишмаганда бу қийндан олинган пахта ёғи қанчадан-қанча ҳамқишлоқларнинг саломатлигига пўтур етказган бўларди.

Мўмай пул илжинида захарли ёғ ишлаб чиқаришга рўжу қўйган сохта тадбиркор Хасанбой Йўлдошев, устидан дарҳол жиноий иш қўзғатилди. Гамланган қийн, мўйғуз ёғи яна бир қатор воситалар далолий ашё сифатида олинди.

Бундан олдинкор, Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси назорат тартибидидаги текширишлари ташкил этиш гуруҳи ходимлари Р.Мамадалиев ва А.Абдуллоев ҳам уй шароитида қўлобола спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шугулланиб келаётган изобсканлик сохта тадбиркор Музаффар Тожиевнинг фаолиятига чек қўйган эдилар. Музаффарнинг ян

Мардлар қўриқлайди Ватанини

# ОЗОД ЭЛНИНГ ЭРЛАРИ

